

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАЎБАР ВА
МУТАХАССИСЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



“ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР” КАФЕДРАСИ

“МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ВА ЗАМОН”

Республика илмий – амалий онлайн конференцияси

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

Тошкент 2020 йил 10 сентябр

“ИЖТИМОЙИ ФАНЛАР” КАФЕДРАСИ
“МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ВА ЗАМОН”

Республика илмий – амалий онлайн конференцияси

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

Босишга рухсат этилди. 20.10.2020 й.

Қоғоз бичими 60x84 1/16. Times New Roman
гарнитурасида терилди.

Офсет услубида оқ қоғозда чоп этилди.

Нашриёт ҳисоб табағи 28.00. Адади 100. Буюртма № 07
Баҳоси келишув асосида

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университетининг босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,
Бунёдкор кўчаси, 27-уй

УДК 370.1
ББК 74.00
И26

“Миллий тарбия ва замон” Республика илмий – амалий онлайн конференцияси мақолалари тўплами Т.: МТМРМҚТМОИ, 2020. – 468 бет.

Мазкур конференция Президентнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Таҳрир ҳайъати аъзолари:

Профессор Н.Маматов
Профессор А.Нигматов
Доцент А.Закиров
Доцент Ш.Неъматов
Доцент Ш.Отакулов
PhD М.Мусаев
Катта ўқитувчи Э.Хаитов
Катта ўқитувчи Р.Ҳайдаров

Маъсул муҳаррирлар:

Профессор М.Қуроноф
Доцент Н.Абдуназарова

Тақризчилар:

Профессор С.Ашурова
Доцент Н.Қалқоноф

Тўпламга киритилган материаллардаги рақамлар, фактлар, маълумотлар ва ғоялар учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

3-ШЎЪБА ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА АЖДОДЛАРИМИЗ ҚЎЛЛАГАН МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

<i>Шухрат Отакулов.</i> Мехнат муносабатларида гендер тенгликка эришишнинг ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш.....	86
<i>Мадина Арсланова.</i> Ақлий ривожланишида нуқсонни бўлган болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда таълим методларидан фойдаланиш.....	89
<i>Дилмурод Дарвишев.</i> Ёшлар маънавий камолга етишида буюк аждодларимиз меросининг ўрни.....	93
<i>Шухрат Неъматов.</i> Баркамол авлод тарбияси масаласи: аждодлар меросида.....	95
<i>Зухра Умарова.</i> Ҳамкорликда ҳикмат кўп.....	98
<i>Баҳромжан Джалалов</i> Шарқ мутафаккирлари ёшлар ижтимоий фаолигини ошириш хусусида.....	100
<i>Шоира Дусмухамедова</i> Ўзини ўзи англаш масалаларининг шарқ мутафаккирлари қарашларидаги талқини.....	103
<i>Улугбек Мақсудов</i> Халқ оғзаки ижоди воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришдаги ўрни.....	106
<i>Alisher Nigmatov.</i> IX-XII asrlarda sharq mutaffakirlarining axloqiy nazariyalari.....	109
<i>Шухрат Хотамов.</i> Оиладаги ёшлар тарбиясида аждодларимиз маънавий меросининг аҳамияти.....	114
<i>Шамуратова М.</i> Жаҳолатга қарши маърифат буюк мутафаккирлар қалбида.....	118
<i>Шокир Шовкатов.</i> Ёшлар тарбиясида аждодларимиз қўллаган метод ва воситаларнинг ўрни ва аҳамияти.....	120
<i>Раъно Худжаева.</i> Навоий асарларининг ёш авлодни инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти.....	124
<i>Дилдора Ахмедова.</i> Ёш авлод қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришда навоий маънавий меросининг роли.....	127
<i>Равшанов А.С.</i> Ёшлар тарбияси – мамлакат келажаги ва жамият ривожланишининг муҳим омилidir.....	129

4-ШЎЪБА МАКТАБГАЧА, ЎРТА,ЎРТА МАХСУС, ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУШТАРАКЛИГИ

<i>Нормурод Маматов.</i> Мактабгача ёшдаги болалар гендер тарбиясини ташкил этишнинг методологик масалалари.....	133
<i>Алишер Закиров. Фозилжон Пўлатов.</i> Мактабгача ёшдаги болалар ижодий ривожланишида фолиятнинг ўрни ва аҳамияти.....	140
<i>Хушид Бўриев. Маҳзуна Ҳамдамова.</i> Умумқасбий тайёргарлик асосида мутахассисларни бошқарув фаолиятига тайёрлаш методикаси.....	143
<i>Аскар Нигматов. Гулнора Нигматова.</i> Современный способ подготовки кадров в национальной системе образования и воспитания.....	145
<i>Нафиса Абдуллаева. Баҳром Разоқов.</i> Мактабгача таълим тизими мутахассисларини малакасини оширишга вариатив ёндашув.....	149
<i>Турдиали Сапаров.</i> Таълим тизимида таълим ва тарбия бош мезон.....	152
<i>Мавлюда Исхакова.</i> Реализация андрагогического подхода в системе повышения квалификации педагогов.....	155

Мухтасар қилиб айтганда, мутафаккир маънавий меросининг ёш авлодни ғоявий тарбиясида тутган ўрни, инсон тарбияси билан боғлиқ ўғит-насихатлари, фикр-мулоҳазалари, талаб-кўрсатмалари, орзу-истакларини бир ерга жамлаб, уларни тартиб билан жойлаштириб чиқса, инсоний камолотга эришиш йўллари кўрсатилган ўзига хос назмий дастур, қўлланма вужудга келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Иброҳим Ҳаққул. Навоий шеърлятида комил инсон мавзуи // Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти. – Т.: "Фан", 2001.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ – МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ ВА ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

*А.С.Рашианов, ТИҚХММИ
“Гуманитар фанлар” кафедраси
катта ўқитувчиси*

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат. **Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг** ушбу иборалардан шу нарсани англашимиз мумкинки, Президентимиз томонидан айна даврда инсоният тарихидаги энг кўп ёшлар қатлами билан яшаётганимизни инобатга олган ҳолда БМТ минбарида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш таклифи илгари сурилгани ҳам халқаро ҳамжамият томонидан илиқ қаршиланди. Ўзбекистон раҳбари бунга асос қилиб, бугун дунё миқёсида ёшларнинг сони икки миллиарддан ортиб кетгани, халқаро терроризм ва экстремизм шиддат билан ўсиб бораётган бир пайтда ёшларга ҳимоя зарурлигини муҳим омилар сифатида асослаб берди.

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи имзолаган қонун ҳужжати – 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун эканида ҳам рамзий мазмун-моҳият мужассам. Бинобарин, аҳолисининг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, юртда амалга оширилаётган ислохотларга бефарқ бўлмаган, юртнинг эртанги муносиб келажаги учун дахлдорликка тайёр, мақсадга интилувчан, серғайрат, ватанпарвар, садоқатли, комил шахслар сифатида тарбиялаш Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафидан ўрин олишининг муҳим омили эканини мамлакат раҳбари ва ҳукумат яхши англайди.⁴³ Мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган мамлакатимизда ёшларни соғлом, жисмонан ва маънан етук, кенг дунёқарашга ва ҳуқуқий маданиятга эга, халқи ва ватани учун фидойи этиб тарбиялашга мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб давлат сиёсати даражасидаги энг долзарб масалалардан бири сифатида қараб келинмоқда. Бу борада

⁴³ <https://strategy.uz/> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан

мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳатларнинг тақдири ва мамлакатнинг келажаги республика аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил қилган ёшларнинг ижтимоий фаоллигига яъни ёшларимиз илму тафаккур кучига, уларнинг маънавиятига, айниқса, бугун ғурур ва ор-номус тушунчаларини қалбига қандай жойлашига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бу масаланинг ўта муҳимлигини таъкидлаб, “Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда. Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз, мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим”⁴⁴, деб уни давлатимиз стратегик мақсадларидан бири сифатида белгилаб берди. Бугун ёшлар тарбиясига, уларни соғлом, баркамол бўлиб ўсишларига, дунёвий билимларни эгаллашларига, юрт равнақи, ривожини учун фидойи шахс бўлиб етишишлари учун барча чораларни кўрилиши ўз самарасини бермоқда. Ёшлар ҳар қандай миллатнинг энг катта бойлигидир, лекин бу бойлик сифатли таълим-тарбияга асосланмоғи лозим. Таълим муассасалари фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий бўғини ҳисобланади. Таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида нафақат таълим мазмунини такомиллаштиришга, балки тарбия масалаларига ҳам катта эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бугун фарзандларимиз қатор хорижий тилларни, компьютер ва информатика илминини пухта ўзлаштираётганликлари қувонарли, албатта. Бироқ бунга юксак ахлоқий, маънавий фазилатлар ҳам ҳамоҳанг бўлса, кўнгилдагидек иш бўлур эди. Баъзан мактаб, университет ёшидаги йигит ва қизларимизнинг бачкана қилиқлар қилиб, дағал, ноахлоқий сўзлар билан ўзаро муомала қилаётганлигининг гувоҳи бўлиб қоламиз. Афсус, ахир мана шу ёш қизларимиз эрта-индин бир хонадонга келин бўлиб боради, насиб этса она бўлади, келгуси ёш авлодларни, юрт фарзандларини тарбиялаш масъулияти шулар зиммасига тушади. Демак, биз интилаётган фозил жамиятнинг комил фарзандларини шакллантириб етиштириш пойдеворини бугун яратишимиз зарур. Ҳозирги замон ёшларининг юксак маънавиятини тарбиялашга жиддий эътибор қаратмоғимиз ўта долзарб вазифадир. Мазкур вазифани муваффақиятли ҳал этишда оила, таълим муассаси, маҳалла, кенг жамоатчиликнинг самарали ҳамкорлигига таяниш лозим. Бу борада айниқса, мамлакатимизда шакллантириган устоз-шогирд аъёнларига амал қилиш ўта муҳимдир. Чунки, устоз-шогирд аъёнлари ёшларда асрлар давомида яратиб келинган бебаҳо маънавий мерос, миллий ўзликни англаш ва миллий қадриятларни, касбий маҳоратни тарбиялаш,

⁴⁴ Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2017. Б-125.

маънавий-маърифий салоҳиятини ошириш, изланиш, ўз устида меҳнат қилиш, бир сўз билан айтганда ҳар томонлама етук малакали кадрларни шакллантиришда ўзига хос тарбиявий таъсир кўрсатиш мавжудлиги билан катта аҳамият касб этади. Устознинг энг буюк бурчи – юрт равнақиға ўзининг муносиб хиссасини қўша оладиган, ақл-идрокли, фаҳм-фаросатли ва қобилиятли шогирдлар тайёрлашдан иборат.

Агар инсон, оила, жамият билимсиз бўлса, у бойликка эмас, муаммоға айланади. Бунинг учун у албатта комилликка интилади. Инсон ўзини англаган даврдан устозларға суянган, улардан маънавий қудрат олган. Агар иқтидорли устоз ўз мактабини яратмаса, ўзидан кейин билимдон, истеъдодли шогирдлар қолдирмаса, унинг ҳаёти, умри бесамар ўтган бўлади. Устоз қанчалик буюк бўлмасин, мактаб, университет таълимида қанчалик ютуқларға эришмасин, ўз билим тажрибасини ишончли шогирдларда қолдирмаса, унинг эришган ютуқлари сувға тушган тошдай изсиз йўқолади.

Ўзбекистонда таълим-тарбия замонавий давлатни изчил ва барқарор ривожлантиришнинг оддий шарти эмас, ҳал қилувчи энг муҳим шарти сифатида кўрилмоқда. Бундай янгича қараш таълимға бўлган анъанавий муносабатни ўзгартди. Дунёнинг энг ривожланган давлатлари таълим, илмға асосланган модернизацияға таяниб бугунги даражаға эришган. Демак, таълим-тарбия оила, мактаб, институт миқёсидаги локал масала эмас, балки ҳар бир давлат чегараси ичидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, технологик муаммоларни ечувчи калит, барқарорлик, тараққиёт, модернизациянинг энг муҳим шарти сифатида қаралмоқда. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда қайси мамлакат ёшларининг билими, маънавияти паст бўлса, бу юрт тараққиётдан четда қолади. Чунки у ўзини ислоҳ этиб, модернизациялаша олмайди. Ортда қолганларға эса тараққиёт меваларининг бошқалардан ортгани қолади. Қайси давлатнинг ёшлари юксак маънавиятли, билимли ва интеллектуал бўлса, унинг халқи, фуқаролари бахтиёр бўлади.

Бугунги кунда ёшларға қилинган ғамхўрлик – келажакдаги фаровон ҳаёт учун замин яратиш демакдир. Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “...илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси эътиборимиз марказида булади” Шу жиҳатдан олганда, бугун юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларға эға, билимли, ақлу заковатли, жисмонан бақувват ҳамда самарали меҳнат қилишға қодир ёшларимиз мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва равнақ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучиға айланишида муҳим омил сифатида қаралаётгани бежиз эмас.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, интеллектуал билимлар асрида ёшлариға қайси соҳа бўлмасин, замонавий билимларни эгаллашиға, илм чўққиларини забт этишиға, энг илғор техника ва технологияларни жиловлашиға шубҳасиз устоз-шогирд анъаналариға шароит яратишни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатиға юксак тараққиётға эришиши мумкин.

Фақат том маънодаги юксак маънавиятли, билимли ва интеллектуал ёшларига эга жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади. Демак, мамлакатимиз келажаги, жамиятимизнинг таянчи, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан қандай жой олиши бугун ёшларга бераётган тарбиямиз, кўрсатаётган ғамхўрлигимизга боғлиқ.